

Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” акциядорлари диққатига!
Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини
чақириш тўғрисида.
ХАБАРНОМА
(масофадан)

Сизни, **2025 йил 16 декабрь кuni соат 10:00** да масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz> орқали бўлиб ўтадиган АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. АТ «Алоқабанк»нинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш.
3. АТ «Алоқабанк» Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
4. «Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга қўшимчалар киритиш.
5. АТ «Алоқабанк»нинг Кузатув кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш ва янги таркибни сайлаш.
6. АТ «Алоқабанк»нинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш.

АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгаши йиғилишининг 2025 йил 21 ноябрдаги қарорига асосан Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида **хабардор қилиш** учун реестрни шакллантириш санаси: **2025 йил 21 ноябрь**. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида **иштирок этиш** ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: **2025 йил 10 декабрь**.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш **интернет тизими орқали электрон овоз бериш хизматидан (<http://evote.uz>) фойдаланган ҳолда 2025 йил 16 декабрь** соат 09:00 да бошланиб 10:00 да тўхтатилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига оид ҳужжатлар ҳамда кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тайёрланган маълумотлар билан <http://evote.uz> электрон саҳифаси орқали танишишингиз ёки info@alqabank.uz электрон манзили орқали сўров юборишингиз мумкин. Маълумот учун телефонлар: 71-232-83-67.